

11-11-2019

REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE- SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS

Feruzha O'ljayevna O'rinova
Ferghana State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

O'rinova, Feruzha O'ljayevna (2019) "REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE- SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 58.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/58>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE- SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР**

Ўринова Феруза Ўлжаевна
Фарғона давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасаларида ривожланиш марказларини замонавий ёндошув асосида ташкил этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: замонавий ёндошув, марказ, ривожланиш, STEAMтанқидий фикрлаш, мустақил фикрлаш, фаол мулоқот, якка тартиб.

**ДОКЛАД О ПРОБЛЕМАХ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ
ЦЕНТРОВ**

Уринова Феруза Улжаевна
Ферганский государственный университет

Аннотация: Эта статья поможет вам узнать, как создать современные центры развития в дошкольных учреждениях.

Ключевая слова: современное общение, центр, развитие, STEAM, критическое мышление, прямое мышление, активная встреча, единый заказ.

**REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE- SCHOOLS
OF ORGANIZATIONAL
PREVENTIVE CENTERS**

O'rinova Feruza O'ljayevna
Ferghana State University

Abstract: This article shall be development report on problems how to create modern communication centers in pre-school educations.

Key words: modern communication, center, development, STEAM, critical thinking, direct thinking, active meeting, single order.

«Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» ва «Илк қадам» ўқув дастурининг ишлаб чиқилиши узлуксиз таълим тизимида мактабгача таълимни самарали амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди. Ўқув дастурда мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос белгиларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳмият касб этиши қайд этилади. Шу билан бирга ривожлантирувчи муҳит мазмунига қуйидагилар кўрсатилади:

- мактабгача таълим муассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмуни маданий-тарихий қадриятлар: миллий ва минтақавий анъаналар; табиат, иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиши лозим;

- муҳит мазмуни бирламчи дунёқараш асосларини шакллантириш, боланинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига ёрдам бериши лозим. Албатта, мактабгача таълимни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашга қаратилган бу каби инновациялар ота-оналардан тортиб барча педагоглар бола тарбияси, унинг таълим олишга тайёргарлигига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувини талаб этади. Мактабгача таълим муассасалари гуруҳларида ташкил этиладиган ривожланиш (ривожланиш) марказларидаги жараёнлар болаларнинг доимий равишда янги билимларни ўзлаштиришга, мустақамлашга ёрдам беради. Болаларни ўз билимини мустақил равишда тўлдириб бориш, кечаётган янгилаш жараёнларига муносиб мослашиб боришга ўргатиш ривожланиш марказларининг асосий мақсадидир. Дастур

асосида ташкил этиладиган ривожланиш марказлари болаларда қуйидагиларни таркиб топтиради:

- ўзгаришларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
- танқидий фикрлаш;
- танлашни амалга ошириш;
- муаммоларни эта олиш;
- ижодий, тафаккур ва ихтирочилик имкониятларини намоён этиш;
- одамлар, жамият, мамлакат, атроф-олам тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Бугунги дунё кечаги каби эмас, эртанги кун ҳам бугунги каби бўлмайди. Инсон фаолияти барча соҳаларида динамик ривожланаётган технологиялар жорий этилмоқда. Замонавий болаларнинг 65 фоизи бугунги кунда мавжуд бўлмаган касбларни эгаллайди. Келажакдаги мутахассислар технология, илм-фан ва муҳандисликнинг турли хил соҳаларидан комплекс таълим ва билимларга муҳтож бўлади.

STEAM фарзандларимизга - ихтирочилар, кашфиётчиларнинг келажак авлоди, олим сифатида тадқиқотлар олиб бориш, технологияни шакллантириш, муҳандис сифатида лойиҳалаш, рассом сифатида яратувчи, математик сифатида аналитик фикр юритишни ўйин орқали юзага келтиради. Бугунги кунда STEAM-таълим дунёдаги асосий тенденциялардан бири сифатида ривожланмоқда ва амалиёт ёндашувни қўллашда бешта соҳани ягона ўқув схемасига интеграциялашга асосланган. Бундай таълимнинг шартлари унинг узлуксизлиги ва болаларнинг гуруҳларда ўзаро мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантириш бўлиб, бунда улар фикрларни тўплаши ва фикрлар алмашади. Шунинг учун, асосий таълим дастурига қуйидагилар Лего-технологиялар, болалар тадқиқотлари каби мантиқий фикрлашни ривожлантириш модуллари киради.

STEAM (S-фан, T-технология, E-муҳандислик, A-санъат, M - математика) - илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани бирлаштирувчи замонавий ёндашув. STEAM болаларда қуйидаги муҳим хусусиятлар ва кўникмаларни ривожлантиришга қуйидагича ёрдам беради:

- Муаммоларни кенг қамровли тушуниш;
- Ижодий фикрлаш;

- Муҳандислик ёндашув;
- Танқидий фикрлаш;
- Илмий методларни тушуниш ва қўллаш;
- Дизайн асосларини тушуниш.

Бу ёндашув келажакда болаларда ҳаётий муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради. Кўпгина ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Япония, Израил, Сингапур, Россияда мактабгача таълим муассаларида болаларни ижодий ва ихтирочилик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида мазкур ёндашув методларидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

STEAM ёндашуви туфайли болалар табиатни тушуниб, дунёни мунтазам ўрганишади ва шу билан қизиқишларини, муҳандислик фикрлаш услубини, танқидий вазиятлардан чиқиш қобилиятини, жамоавий иш қобилиятини ривожлантириш ва лидерлик, ўз-ўзини намоён қилиш асосларини ўрганишади, ўз навбатида, болалар ривожланишининг тубдан янги даражасини таъминлайди.

Ўз-ўзига ишончни шакллантириш. Бу ёндашувда болалар ўз қўллари билан яратган кўприк ва йўллар, самолётлар ва автомобилларни "ишга тушириб", сув ости ва ҳаво тузилмаларини "ривожлантириб", синовдан ўтказиб, ҳар сафар улар мақсадга яқинлашиб боришади. Яхши натижа бермаган "маҳсулот"ни қайта-қайта синовдан ўтказиб, такомиллаштириб боришади. Натижада барча муаммоларни ўзи ҳал қилиш, мақсадга эришиш болалар учун илҳом, ғалаба, адреналин ва қувонч олиб келади. Ҳар бир ғалаба, ўзларининг қобилиятларига кўпроқ ишонч уйғотади.

Фаол мулоқот ва жамоавий иш. STEAM дастурлари ҳам фаол мулоқот ва гуруҳ иши билан ажралиб туради. Муҳокама босқичида улар фикр билдиришга кўрқмасликка ўрганадилар. Кўпинча, стол атрофида ўтирмайди, ўзларининг дизайнлари асосидаги "маҳсулот"ларни синовдан ўтказишади ва ривожлантиради. Улар ҳамма вақт ҳамкорликни таъминлайдиган жамоада тарбиячилар ва уларнинг дўстлари билан мулоқот қилиш билан банд бўлишади.

Техник фанлар бўйича қизиқишларни ривожлантириш. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги STEAM таълими вазифаси қизиқишнинг ривожланиши учун дастлабки шарт-шароитларни яратишдир. Болалар учун табиат фанлари ва техник фанлар бўйича, қилган ишни яхши кўриш, қизиқишни ривожлантириш учун асосдир. STEAM – болалар учун жуда қизиқарли ва динамик бўлиб, болаларнинг зерикашларига тўсқинлик қилади. Улар вақт ўтаётганини сезмайдилар, лекин ҳам чарчамадилар. Ракеталар, автоуловлар, кўприклар, осмонўпар биноларни қуриш, электрон ўйинлар, фабрикалар, логистика тармоқларини яратиш, денгиз ости кемалари, илм-фан ва технологияга қизиқиши ортиб боради.

Лойиҳалар учун ижодий ва инновацион ёндашувлар. STEAM таълими олти босқичдан иборат: савол (вазифа), муҳокамалар, дизайн, қурилиш, тест ва такомиллаштириш. Ушбу босқичлар мунтазам равишда лойиҳа ёндашувининг асосидир. Ўз навбатида ҳамкорлик ёки турли имкониятлардан биргаликда фойдаланиш ижодкорлик асоси ҳисобланади. Шундай қилиб, бир вақтда болаларда

фан ва технологияларни қўллаш, янги инновацияларни яратиши мумкин. Оқилона ташкил этилган соғлом ижтимоий-маънавий муҳит болаларда изланишга, ташаббус кўрсатишга ва ижодкорлик қобилиятларини намоён этишга рағбат уйғотади. Бунда тарбиячилар бола ривожланиши қандай кечаётганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, бунинг учун эса уларни доимий равишда назорат қилиб боришлари зарур бўлади.

Тарбиячи ўқув материални болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга муносиб тарзда етказди. Мактабгача таълим муассасалари педагогик жамоасининг ўрни шундан иборатки, улар ҳар бир боланинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мос келадиган мақсадлар қўйишлари, болалардаги табиий қизиқишларни қўллаб-қувватлашлари, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак.

Бола ривожланишининг ўзига хослигини инобатга олишда аввало шуни тушуниб етиш керакки, барча болалар ривожланишнинг маълум босқичларини босиб ўтадилар, бироқ бунда ҳар бир бола ноёб ва такрорланмасдир. Тарбиячилар болаларни айнан бир хил, ўхшаш нарсалар ва фаолият турлари билан таъминлашлари учун уларнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, тарбиячилар бир хил ёшдаги турли болаларнинг қобилиятлари ва қизиқишларидаги фарқларга эътибор билан муносабатда бўлишлари кераклигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади.

Бунда бола ривожланишининг ўзига хослигига доир, болалар қизиқишларига жавоб берувчи фаолият турлари, яъни уларнинг ақлий, ижтимоий ва маънавий етуклик даражаси назарда тутилади. Бундай фаолият турлари болаларнинг табиатга қизиқишларига, тажрибадан қониқиш ҳосил қилишларига ва ўз ғояларини тажрибада синаб кўриш хоҳиш-истакларига қаратилгандир.

Ривожланиш марказларидаги таълим жараёнида болаларнинг ўзлари тегишли ривожланиш марказини ихтиёрий танлай бошлайдилар. Болаларни мустақил гуруҳларда ишлаши, индивидуаллаштиришда тарбиячи шундай фаолият турларини ўйлаб топадики, унда барчага бирдек кўрсатма берилса-да, бироқ ҳар бир бола ундан келиб чиққан ҳолда ўзи мустақил равишда муваффақиятга эришишига имкон берилади. Индивидуаллаштириш даражасини оптималлаштириш мумкин. Эпчиллик ва топқирлик талаб этиладиган фаолият турини танлаган ва болаларни диққат билан қузатган ҳолда тарбиячи зарурият туғилиб қолса топшириқ ва материалларни ўзгартириши ёки мослаштириши мумкин.

“Илк қадам” ўқув дастури асосида мактабгача таълим муассасаларида қуйидаги ривожланиш марказлари фаолияти юритилиши назарда тутилади:

- Қурилиш ва конструкциялаш маркази
- Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази
- Тил ва нутқ
- Илм-фан ва табиат маркази
- Санъат маркази

- Мусиқа ва ритмика маркази.

Ривожланиш марказлари болаларга ўзларининг шахсий кўникмалари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнини мустақил индивидуаллаштириш имкониятини беради. Масалан, санъат марказида бир бола қоғоз қирқади, бошқа бола эса шу қоғоздан қайчи билан ўзи ўйлаган шаклчани кесиб олади. Стол устида ўйналадиган ўйинлар марказида бир бола тўртта ёғоч кубикдан шакл ясайди, бошқа бирови эса йигирма беш бўлакли картон қоғозли тасвирни тузишни маъқул кўради. Тарбиячи жараёнда болаларни кузатади ва уларнинг ривожланишига дахлдор фикрларни ёзиб боради. Анча вақтдан сўнг у болаларга вазифани мураккаблаштирувчи материалларни таклиф этади ёки вазиятга қараб ана шу вазифаларни бажаришда болага тўғридан тўғри ёрдам беради. Бундай йўл тутиш туфайли бола яхши суръатда ўсиб-улғайиши мумкин.

Тарбиячилар ривожланиш марказларида болаларнинг ёрдамчилари ролини ўйнайдилар, машғулотлар олиб бориладиган жойда имкониятлар кенглигини таъмин этадилар ва ҳар бир бола индивидуал ривожланиши даражасини эгаллай олган ҳолда фаолият турларини режалаштирадилар. Кун тартиби турли машғулот турларини ўзида қамраб олиши лозим: кичик гуруҳларда биргаликда ва тарбиячи ҳамкорлигида яқка тартибда (индивидуал) ёки мустақил (улар томонидан танлаган машғулотларга вақт ажратиш керак, чунки болалар онгли танлаб олишни ўрганадилар, ўз қизиқиш ва қобилиятларини амалга оширадилар). Болаларнинг ўз танловларини амалга ошириши, муаммоларни ҳал этиши, атрофдаги кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиши, индивидуал мақсад қўйиши ва унга эришишни билишлари лозим.

References:

1. Dubrovina I.V. "Zavisimost razvitiya poznovatelnix interesov detey ot xaraktera ix podgotovki k shkole", "Nekotorie aktualnie psixologo-pedagogicheskie problemi vospitaniya i vospitivayushego obucheniya". M., 1976. S. 291-300.
2. D. A. Nurkeldieva va boshqalar "Barmoqlar mashqi va logopedik o'yinlar". Toshkent - 2007 y.
3. O.U.Xasanboeva. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi". T.: «Ilm ziyo» 2006
4. SH.A.Sodiqova. "Maktabgacha pedagogika". T.: "Tafakkur sarchashmalari", 2013
5. M.Fayzullaeva va boshq. "Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayonini rejalashtirish".T.: 2015
6. K.Nizomova. "6 yoshli bolalarni maktabga tayyorlash va maktabga moslashuvini o'rganish." T.: 2006.
7. "Ilk qadam" maktabgacha ta'lim muassasasining Davlat o'quv dasturi. T.: 2018.
8. X.Axmedova, L.Raximova. "Bolaga yo'naltirilgan ta'lim» dasturini tashkil etish". T.: 2012
9. Respublika bolalar kutubxonasi: www.kitob.uz.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

07.00.00 **ТАРИХ ФАНЛАРИ**
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т..... 89

09.00.00 **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**
ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

- 15 Ma'kurani tahlil etishning o'ziga xosligi
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Мамамов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичини хотин-қизларнинг инновацион
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаолигини
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

10.00.00 **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371